

ТЎҒРИ ЙЎЛ

Ассаламу лайкум ва Раҳматулаахи ва Баракаатух.

1997 йил 19 декабрь ойда М1 185 йўналиш буйича, Джагарте шахрига учувчи самолётга 104 аёл ва болалардан иборат бўлган йўловчилар ўтқазилди. Улар учиб, етиб бормаслиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Уларнинг Боинг 737 самолёти Палембанга яқинида бирданига катта тезлик билан ерга туша бошлади ва Суней Муси яқинига қулади. Бу фалокатдан бирон киши ҳам тирик қолмади.

Бутун Дунё бўйича одамлар қутилмаган фожия, ўлимга дуч келишади. Ер қимирлаши, бурон, маъжора ва кўп халқлар бошига ёғиладиган урушлар, бунга мисол бўла олади. Аммо одамлар ўлимнинг кучига қарши туролмайди. Биз қанчалик ўлимга қаршилиқ қилсакда, ўлим устидан ҳокимлик қила олмаймиз.

Кўпчилик кўп умир кўриш мақсадида, чекишмайди, спорт билан шуғулланишади ва ҳар ҳил витаминлар қабул қилишади. Аммо нима қилишидан қатъий назар ўлимдан қочиб қутилиб бўлмайди.

Яна бошқа бир одамлар, ўлим ҳақида ўйламасдан, ундан қутилишмоқчи бўлишади. Асосан бу фикр, бойликка, шон-шухратга эга бўлган ва ҳақиқий ҳаёт ташвишларидан узоқ бўлган инсонларга келади. Аммо ўлим фақат қариялар ёки ночорлар бошига эмас, балки бақувват ёшлар бошига ҳам тушиши аниқ. Ўлим бойни ҳам қамбағални ҳам тенглаштириб қўяди.

Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*) бизни Жаннатга ёки Дўзахга юбориш қудратига эгадир. Унинг Исми Ар Раҳмони Раҳим яъни « *Иноятли ва Раҳим шавқатлидир*», шунинг учун У бизларни ҳамиша Қиёмат Кунига ва ўлимни келишига тайёр туришга чақирапти. Ҳар бир одам Қиёмат Кунига Оллоҳ олдида ўзининг ҳаёти учун жавоб бериши аниқдир.

Шунинг учун Оллоҳ биздан Қиёмат Кунига ҳамиша тайёр бўлишимизни, ҳатто ки ҳозир ҳам тайёр бўлишимизни, У биздан талаб қилапти. Ким ки тайёр бўлса, у ҳолда, у Сиротул Мустақим яъни (*Ҳақиқат Йўлида*) юрибди, чунки бундай тинчлик ва хотиржамлик фақат Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*) тамонидан берилади.

Бу дунё вақтинча бўлса, ҳаётнинг асл мағзи нимада?

Бу дунё вақтинчадир, бизнинг ҳаётимиз ҳам, бу дунёнинг бойлиги ҳам, вақтинча пайдо бўлиб, кейин йуқолиб кетадиган, фароғат гулига ўхшайди. Аммо

бизнинг ҳаётимиз бу дунёни бойликларидан анча улуғ, чунки у абадий ҳаёт эгаси Оллоҳ тамонидан берилган.

Кўпчилик фақат ер юзида бахт ва саодатга эришишни хошлашади. Шу мақсадда хар куни дунё ташвишлари билан банд бўлишади. Ҳаётининг асосий қисмини пул ва бойлик йиғишга ва бу дунёдаги ўтқинчи оромга сарф қилишади, ва шу орқали, бугун бор ва эртага йўқ бўлиб кетадиган нарсалардан ҳаёт мағзини қидиришади. Шунинг учун улар кун кундан ҳаёт мағзини йўқатишади. Шайтон ҳам, бизни бу дунёвий нарсалар қули бўлиб қолишимизни хоҳлайди. Биз ўзимиз ўзимизни алдаб, гуноҳимизни ошириб, охири дўзах аъзобини кўришимизни шайтон хоҳлайди.

Гоҳида, бу дунёда хурсандчиликдан кўра ташвиш кўплигини англаб қоласан киши, лекин биз охир – оқибат яъна Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*) ёнига қайтишимизни унутмаслигимиз керак, чунки У бизнинг жонимиз Хуқимронидир .

Аммо Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*) биз ҳақиқатни ва ҳақиқий бахтни кўришимиз учун ҳамиша бизга йўл – йўриқ кўрсатади. Унинг кўрсатган йўл – йўриғидан юриб, биз ҳаётимизни бошқариш учун, Ундан куч – қудрат топамиз. Унинг Сиратул Мустақим яъни « Тўғри ва ҳақиқат йўли»га эргашиб, бизнинг ҳаётимиз У орқали оқланади ва Осмон Шохлигининг фуқораси бўламиз.

Оҳиратда (Оҳирги Кунда) одам руҳи учун фақат икки йўл бор. Бири Жаннат ва иккинчиси Дўзахдир. Бошқа учунчи йўл йўқ. Бир кун келиб, бизнинг Рухимиз Қиёмат Кунда, ҳуким қилинади ва бизнинг руҳимиз Жаннатга ёки Дўзахга маҳкум қилинади, ва у ерда абадий бўлади. Биз кўрдик ки, ҳеч ким ўз ўлиmidан кейин ўзининг абадий маконини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Абадий яшаш учун сен қандай маконни танлайсан ?

Жаннат

Абадий ҳаёт ва дам олиш учун энг чиройли ва қулай жой, осмонда Оллоҳ тамонидан, Унинг бандалари учун яратилган Жаннатдан бошқа жой йўқ.

Бизнинг инсоний онгимиз, Жаннатнинг гўзаллигини тасвирлашга ожиздир. Китобда шундай ёзилган:

« Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*) тамонидан нажот совға қилинган, иймонлилар, гуноҳ оғирлигидан ва гуноҳ ҳукмидан озоддир. Бизни йиғи- ташвишлардан абадий озод қилган буюк хурсандчилик ва шон – шуҳрат Оллоҳ (У муқаддас ва буюк) тамон йуналтирилади.

Биздек гуноҳкор, аёл ва эркаклар бундай бахтга ва роҳатга қандай эриша оламиз ?
фақат Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*) тамонидан муқаддас қилинганлар, Жаннатга
кириш ҳуқуқига эгадирлар. Ал Қоран Ал Карим, орқали Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*)
бутун одамзод учун муқаддас Мариям ўғли Ийсо А.С. ни бизга очаяпти.

Бисмиллохи Раҳмонир Раҳим.

« Одамлар учун ҳаёт мўжизаси ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат – марҳамат қилурмиз».

(Сура 19: 19 – 21)

Оллоҳ (*Муқаддас ва буюк*) ваъда қилинган Имам Маҳди (Ал Масих), (бўлмиш) Ийсо Алайҳис Салом номини, ер юзида ва Коинотда (осмонда) улуғлайди.

Бисмиллохи Раҳмонир Раҳим

« ...унинг исми Ал – Масих, Ийсо бинни Мариям бўлиб, дунёга Охиратда обрўли ва Оллоҳнинг яқинларидан бўлур ҳамда одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга этган чоғидагидек гапирур ва солиҳ бандалардан бўлур».

(Сура 3 : 45)

Дўзах (А.О)

Дўзах – бу аъзоб ва дахшат маконидир. Бу ердагилар асосан, оловли кийим, оловли кроватларда аъзоб чекишади. Улар олов устида юрадилар ва уларнинг бошларига олов ёғиладилар. Ҳамма жой олов ва қора тутун билан қопланган. Кўр кўзлар қар қулоқлар, тилсиз соқовлар буюк аъзоб остида бўлишади. Дод войлар ва йиғи тўхтамайди, азобдаги жон, озод бўлишига ҳеч ҳам умид қилмайди.

У ерда тирик жонлар учун аъзобнинг охири йўқ, дахшатли аъзоб абадий давом этади.

Пайғамбар Одам Ота давридан, одамлар Шайтоннинг васваса тузоғига илинмоқда. Шунинг учун одамзод гуноҳи сабабли Дўзах аъзобига маҳкум қилинди.

« Сизлардан ҳар бирингиз унга тушгувчидирсиз (амрга биноан) вожиб бўлган ҳукмидир»

(Сура 19 : 71)

Ал Сиратул мустақим яъни Жаннатга элтувчи тўғри йўл.

Биз биламизки Оллоҳ (Муқаддас ва буюк) ва У очган ҳақиқат Ишончли ва Жаннатга Элтувчи Ҳақиқий Йўлдир. Охирги кунгача қилинган савоб ишлар ва намозларингизга ва Охиратга ишонганларга мукофот бор.

Бисмиллохи Раҳмонир Раҳим

« Лекин уларнинг орасидан иймонида мустаҳкам бўлган зотлар ҳамда сизга нозил қилинган нарсага ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирадиган мўминлар, хусусан намозни барпо қилувчилар закотни адо қилувчилар ва Оллоҳ ва Охират кунига иймон келтирувчилар – ана ўшаларга улуғ мукофот ато этажамиз»

(Сура 4 : 162)

Оллоҳ бизни бу Ҳақиқат Йўлида сақлаш учун очган аломатидан, ҳамма хабардормикан ?

Оллоҳ (Муқаддас ва Буюкдир) Унинг аломатисиз (белгисисиз), биз Ҳақиқат Йўлини қандай топамиз ?

Ҳаммага аён бу Оллоҳнинг аломатини билмасда, биз қандай қилиб Оллоҳ тамонидан, бу аломатларга ишонувчи деган ном оламиз ?

Бизнинг Жаннатга киришимиз учун қандайдир етарлича ўлчов борми ?

Жаннатга кириш учун нима қилиш керак ?

Диний қонунларни қанчалик мен риоя қилишим керак ? – деган саволлар тугилади.

Мени Жаннатга киришим учун қанча савоб ва намоз керак ?

Бу диний қонунларни бажарганимиз билан биз Оллоҳ амрини ўзгартиришимизга иймонимиз комил эмас.

Аслида бизлардан қанча киши бутунлай Оллоҳни амрларини бажаради ?

Бизлардан қанча киши, Жаннатга кириш учун куч, қудрат, севги, гайрат, бўйсиниш ва савобга эга ?

Кўпчилик иймони комил бўлмагани сабабли улар савоб ва намозни қанда қилмасаларда шубҳа, жаҳл ва аъзоб остида юришади. Оллоҳ Ўзининг бандалари учун ҳақиқат йўлини тайёрлаган. Бу Йўлни Ундан ибодат орқали сўрашимизни У кутаяпти. Бу йўл – итоаткорлик ва гуноҳлари учун товба қилиш йўлидир.

« Индинаш Миратал Мустакиим»

«Бизларни – Тўғри йўлга йўллагайсан» «Эй мўминлар Оллохдан кўрқингиз ва Унга яқин бўлиш йўлини излангиз». (Сура 5:35)

Сиз бу йўлдан хабардормисиз ?

«Меҳрибон ва Рахимли Оллох»

(Сура 1:3)

Ар Рахмонир Рахим Оллох меҳрибон ва рахимли бўлгани сабабли У Қуръони Карим орқали Ўзининг хақиқат йўлини бизга кўрсатапти. Бу йўл бизни Жаннатга етаклайди. Келинг бирга Қуръони Каримни ва Хадисни қараб, Унда ёзилган Хақиқат Йўлини топайлик.

Қуръони Карим ва Хадис бошчилигида инсоннинг жаннатга келиши имконияти.

1. Ийсо Алайхис Сааломга эргашиш учун Тўғри Йўл.

« Уа инноху ла илмулис саа ати фа лаа тамтарунбихаа уат таби хаза Митотал Мустакиим»

« Албатта Ийсо Қиёмат соати хақидаги билим аломатидир. Бас, сизлар у (соат) хақида харгиз шак – шубҳа қилмангиз, Менга Эргашинглар Мана шу Тўғри Йўлдур».

2. Ийсо Алайхис Саалом – итоат қилиш учун Нур олиб Келувчидир.

«Уа ламма джаа-а Иса бил баиййнаати кала кад джитикум бил хикмати уа ли убаиина лакум ба дхал ладзи таталифууна фиихи фат такуллаахауа атхии у»

“қачонки Ийсо аниқ ва равшан хужжат мўжизаларни келтиргач, деди: “ Мана Мен сизларга Ҳикмат Инжил билан, смзларга ўзларингиз ихтилоф қилаётган айрим нарсаларни баён қилиб бериш учун келдим. Бас, Оллохдан кўрқингиз ва Менга итоат этингиз! Албатта Оллохнинг Ўзи Парвардигорим ва Парвардигорингиздир, бас Унга ибодат қилингиз! Мана шу Тўғри Йўлдир”

(Сура 43: 63-64)

3. Ийсо Алайхис Саалом бахсларда ҳақ сўзни гапирган.

« Дзаалика Исабну Мариалла каулал хаким ларзии фиихи иамтарун»

« Улар шак – шубҳа қилаётган Ийсо бинни Марям (яъни унинг хақидаги Оллоҳнинг) Хақ сўзи мана шудир»

(Сура 19:34)

4. Исо Алайхи Сааллам – Оллоҳнинг пайғамбари ва Сўзидир.

(Иннамал Масиху Ибну Маряма Расуллоху ва Калиматуху)

«Албатта, ал – Масих Ийсо бинни Марям фақат Оллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга етказган сўзи ҳамда, Унинг томонидан бўлган Рух

(соҳибидир), холос».

(Сура 4: 171)

5. Ийсо Алайхис Саалом – Худонинг Руҳи ва Унинг Сўзидир.

(хадис аннас Бин Молик) 72- стр

«Иса фаа иннаху раахуллаху ва калиматуху»

6. Исо А.С. – ягона Имом Маҳди.

Ийсо бинни Марямдан бошқа (Охиригача етакловчи воситачи) Имом Маҳди йўқ.

(Хадис Ибну Маджах)

7. Исо А.С. – инсон хоҳишидан эмас, балки Худо руҳидан туғилгандир.

«Уал лат ахшанат фарджахаа фа нафакхнаа фиихаа мир мухинаа уаджа алнаахаа уабнахаа ааиатаи иилааламиин»

« Яъна ўз номусини сақлаган аёлни(яъни Марямни эсланг). Бас, Биз ўз тарафимиз бўлган Рухни Унга пуфладик (ва У Ийсога хомиладор бўлди) ва уни ҳамда ўғлини барча оламлар учун оят ибрат қилдик.

(Сура 21:91)

8. Исо А, С, туғилган, ўлган ва тирилган.

«Уас салааму алаиин уаума уулидту ва уаума амууту ва уаума уб атсу хаиинан»

«Менга туғилган кунимда ҳам ўлган кунимда ҳам вафот бўладиган кунимда ҳам қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик омонлик булур».

(Сура 19:33)

9. Исо А.С. – ўлди, юксалтирилди ва Унга эргашган зотлар кофирлардан юқори қўйилди.

«Оллоҳ айтган бу сўзларни эсланг: «Эй Ийсо , Албатта мен сени вафот қилдирувчи ва Ўз хузиримга кўтарувчиман. Ва кофирлар ёмонлигидан халос қилгувчиман ҳамда то Қиёмат Кунигача Сенга эргашган зотларни кофирлардан юқори қўюрман. Сўнгра Менга қайтажаксиз».

(Сура 3 : 55)

10. Ийсо А.С. Кўр ва моховларни соғайтирган.

« ...ва яъна кўр пес касалларини тузата оламан ва Оллоҳни изми билан ўликларни тирилтираман...»

(Сура 3 6 49)

11. Исо А .С – ўликларни тирилтирган .

« ... Менинг изним ихтиёрим билан ўликларни тирилтириб (қабрдан) чиқарганингни эслагин ! ...»

(Сура 5:110)

12. Исо А.С. га Худо тарафидан Мўжиза ва Муқаддас Рух берилган.

«...Ийсо бинни Марямга аломатлар бердик ва Уни Руху – Л – Қудс (Муқаддас Рух) билан Қувватлантирдик...»

(Сура 2:253)

13. Оллоҳ назарида Ийсони тан олмаганлар кофирлардир.

«...Марям хусусида улуғ бўхтон қилганликлари сабабли...»

(Сура 4:156)

14. Ҳамма аҳли Китоб, Ийсо А.С. га Иймон келтирурлар.

« хар бир аҳли Китоб ўлими олдидан Унга (яъни Исога) албатта иймон келтирмаса, Қиёмат Кунида эса У буларнинг зарарига гувоҳ бўлур».

(Сура 4:159)

15. Таврот ва Инжилни рад қиладиганлар, динсиз ва кофирдирлар.

«Айтинг : « Эй аҳли Китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунингизча, ҳеч қандай динда эмассизлар».

(Сура 5:68)

16. Қалом Оллоҳ хузуридаги асл Китобдан бўлиб, У юксак ва хикматга Тўла.

« Дар ҳақиқат у Бизнинг даргоҳимиздаги асл Китобда юксак (мартабали) ва хикматли (Китобдир)».

(Сура 43:4)

17. Исо А.С – Дунё ва Охиратда обрўли.

« Ё Марям, Албатта Оллоҳ сенга Ўзининг Сўзини Хуш – Хабар қилиб берадики, Унинг Иси Ал Масих. Ийсо бинни марям бўлиб, дунё ва охиратда обрўли».

(Сура 3:45)

Оллоҳ (Муқаддас ва Буюк) Ийсо А.С. –ни дунё ва охира тустидан хукмрон қилиб тайинлади. Исо А.С – Хақиқат Йўлидир. Қуръони Карим бизга тайинлашича, Ийсони издошлари кофирлардан юқори қуйилур. Ийсо А.С - Оллоҳга муҳим шахс бўлгани сабабли, Унинг исми Қуръони Каримни 97 – марта тилга олинган.

Жаннатни гўзал бир подшо саройига таққосласак бўлади. Агар сизни подшонинг ўзи, саройга таклиф қилса, албатта сиз иккиланмасдан бу саройга кирасиз. Чунки Подшо ҳамма нарса устидан Хукмрон ва обрўйга эгадир ва сиз ўзингизни бу саройда эркин хис қиласиз.

Агар, сизни Подшо саройи устидан хукмронликка эга бўлмаган Сарой боғбони саройга киришга таклиф этса, албатта сизда шубҳа хосил бўлади. Чунки у Сарой устидан хукмрон эмас. Подшо сизни хохлаган вақтида саройдан чиқариб юбориши мумкин.

Ўзининг буюк меҳрибонлиги орқали Оллоҳ (Муқаддас ва Буюк) Ўзининг Руҳи Ийсо А.С.- ни, бизларни Жаннатга киргизиш мақсадида, Подшоҳ қилиб тайинлади. Ийсо А.С. бизларга Оллоҳнинг хузуридан келди, ва бизга Хукмрон Оллоҳдан буюк бир хуш хабар олиб келди. Бу Хуш Хабар Жаннатга таклифномадир. Чунки Ийсо А.С. худди Оллоҳ каломидек, Жаннатдаги Ал – Китобдан келди. Унинг сўзлари ўзгармас ва гуноҳсиздир. Шунинг учун Унинг Сўзи яъни Оллоҳ (Муқаддас ва буюк) муваффақиятлидир. Ўзининг меҳрибонлигига тўлган Оллоҳнинг Масихини қабул қилганларни, Унинг орқасидан эргашиш ҳуқуқини берди ва Оллоҳнинг бу хақиқат (тўғри) йўли орқали, инсонларга бу дунёда солихлик ва Жаннатга кириш ҳақ ҳуқуқини берди. Шунинг учун Оллоҳ (Муқаддас ва Буюк) Қуръони Карим орқали, Исо А.С. – нинг бу дунёдаги ва Жаннатдаги буюк шон-шухрати ҳақида эълон қилаяпти. Шундай қилиб, Ийсонинг йўлидан юрган ҳар бир киши Жаннатда ўзининг мукофотини олади. Муҳаммад пайгамбар (унга тинчлик ва барака бўлсин) ўзининг ўлими олдидан, Қуръони Карим ва Хадис орқали бизларга хуш хабар қолдирган.

Энг Буюк Дўст

Муҳаммад пайгамбар (унга тинчлик бўлсин), ўлими олдидан қилган ибодати: «Ё Оллоҳ Мени кечиргин, гуноҳларимни авф этгин ва Мени Энг буюк дўст билан бирлаштиргин »

1573)

Кейин Мухаммад пайғамбар кўлини кўтариб:

«Энг буюк дўст»,- деди ва кўлини тушириб, дунёдан кўз юмди.

Шохи Бухорий Хадисига биноан, энг буюк дўст, бу фаришта ёки пайғамбарлардан биридир. Аммо фаришталар «Энг Буюк», деб таърифланмаган. Демак Мухаммад пайғамбарнинг Энг буюк дўсти, фаришталардан эмас, балки Пайғамбарлардан биридир.

У холда пайғамбарлардан қайси бири «Энг буюк дўст» номига лойиқ бўлган?

1. Одам Ота (Шаорнуллох) = Адам оллох томонидан тозаланган.

2. Нух наджиуллох = Нух тозаланган ва Оллох томонидан қутқарилган.

3. Иброхим Каллуллох = Иброхим Оллох томонидан севилди.

4. Исмоил Джабихуллах = Исмоил Оллох учун қурбонликка келтирилган.

5. Муса калимуллох = Мусо Оллох томонидан берилган.

6. Дауд Калифуллох = Дауд Оллох томонидан маълум қилинган.

(Мажму Слариф)

Аммо, унинг Ўзи шундай деган:

Бисмиллохи Рахмонир рахим.

«Анаа аулан нааси би иисабни мариама фид дун-иаа уал аакираати уал амбияау икхуатул ли аллатин уммахаатухум сиаттаа уа диинухум уаахид».

« Мен Ийсо бинни Марямга бу дунёю, у дунёда яқинман. Ҳамма пайғамбарлар бир – бири билан қариндош. Оталар бошқа бошқа бўлишса ҳам, аммо уларнинг дини битта бўлишган».

(хадис Имом ал Бухари 1501)

Бисмиллохи рахмони рахим.

«Иисабну мариама уаджихан фид дун-иаа уал аакираати»

«...ал – Масих Ийсо бинни Марям бўлиб, бу дунёю Охиритда обрўли ва яқинларидан бўлур ...».

(Сура 3:45)

Бисмиллохи раҳмони раҳим.

«Уал ладзи нафсии биядихи лаисиканна аианзила фиикумубну мариама хакаман мукситан»

«Худо номи билан қассам ичаманки, менинг жоним Унинг қўлида. Хақиқатдан ҳам Ийсо бинни Марямнинг келиш Куни яқинлашмоқда У хаққоний Хукм чиқарур».

(хадис Шохи Муслим 127)

Бисмиллохи раҳмони раҳим.

«Лаа махдиан илла иисабну мариам»

« Ийсо бинни Марямдан бошқа Имом Махди йўқдир»

(Хадис Ибну Маржах)

« Иса- Ра – ул – Лах (Оллоҳнинг рухи), Расуллох (Оллоҳнинг элчиси) ва Каломуллах(Оллоҳнинг каломидир)».

(Анас бин Малик хал: 72;Сура 4:171)

Шунинг учун « энг буюк дўст» - бу Ийсо бинни Марямдан бошқа ҳеч Ким эмас. Бу « *Энг буюк дўст*» Оллоҳ Таоло томонидан бизга юборилган бўлиб, У бизга Оллоҳни Сўзини олиб келди.

Бисмиллохи раҳмони раҳим.

«.. Баён қилиб бериш учун келдим. Менга итоат этинг».

(Сура 43:63,64)

«уа-лаа таконо кА- Алладхена каало сами Наа уаа-хум лаа иасма он Инна сиа-рад-дауааби-би индаллахи-шум-мул букмул-ладзина лаа иа иа-килун»

« Ўзлари англаб, келтирмаган холларида, «Эшитдик», деган кимсалар каби бўлмангиз».

(Сура 8: 21,22)

- Шундай қилиб, юрагингизга Оллоҳ Оятларини ёзиб олинг. Уларга итоат қилинг, чунки бу оятлар Оллоҳдан бизлар Тўғри йўлда юришимиз учун берилган.
- Унинг иродасига қаршилик қилмасдан товба қилинг.
- Келинг, Оллоҳ бизга берган ва бу оятларда ёзилган «Тўғри йўлдан» юрайлик.

«Энг буюк дўст» бугун бизга қандай ёрдам бера олади ?

1. Тўғри йўл (Сиратул Мстақим) «Энг буюк дўстга» берилган хужжатлар ичидадир.

Бисмиллохи раҳмони раҳим.

«... Ийсо бинни Марямга Хужжатлар бердик ва уни Руху- л – Қудс (Муқаддас Рух) билан қувватлантирдик... Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. Зеро ҳақ йўл залолотдан (зилолатдан) ажраб бўлди.»

(Сура 2:253,256).

Гоҳида биз «Дин», деб Оллоҳнинг бизга берган йўлини юришни эмас, балки одамлардан қолган урф- одатларга эргашишни тушунамиз. Балким биз, каби Муҳаммад тушунган тушунча бизда йўқдир. У шундай деган:

« Биз хамамиз. Оллоҳ Таоло энг буюк дўст орқали берилган, аниқ мўжизага мухтожмиз».

Ундай бўлса, келинг, Оллоҳнинг Китоби кўрсатадиган йўлдан бошқа ҳамма йўллари рад этайлик.

Унинг аниқ хужжати Шайтоннинг ёлғончилигини кўрсатади: У Оллоҳнинг ҳақиқат йўлини очади. Оллоҳнинг Калиматуллоҳи (Каломи) инсон урф – одатининг қадрсизлигини ва иккиюзламачилиги кўрсатади.

Кимки Ийсонинг хужжатларига эътиқод қилиб, ундан бошқа йўллари рад этса, Оллоҳнинг иноятига тўлган Унинг раҳномалигига эга бўлади. Ундай кишилар ҳамиша Қиёмат кунидан ва ўлимдан қурқмайдилар. Улар Жаннат боғига киришига иймони комилдир, чунки улар энг буюк Дўстнинг Муқаддаслиги орқали Жаннатга киришга таклифнома олишган. Уларнинг гуноҳлари кечирилган, чунки уларни

Рахномаси (яъни Йўл бошчиси) инсоний эмас. Уларнинг ҳаққонийлиги улар савоб ишлари билан эмас, уларнинг иймони орқали берилади.

Ё мўминлар, Ийсонинг Каломларини эътиборсиз қолдирмангиз. Унга итоат қилинг ва шунда Тўғри йўлдан дадил юриш бахтига созавор бўласиз.

Биз Оллоҳга элтмайдиган ёлгон йўлларни рад этдикми?

Биз Оллоҳ энг буюк Дўст орқали айтган, сўзлар билан юрамиз-ми ?

2. Энг Буюк Дўст бизни Тўғри йўлда туришимизга ёрдам беради ва бизни ўзини ишончли қўлларида ушлаб туради.

Биз қўлимизни теккиза олмайдиган Муқаддас Оллоҳ, Ўзининг ишончли қўлларини, бу дунёга ёрдам бериш учун узатиб турибди. Буни биз ўз тажрибамизда қўришимиз мумкин. Оллоҳнинг Руҳи ва Ийсонинг Каломи бу дунёга мўжиза орқали инсон қиёфасида келди.

Бисмиллохи раҳмони раҳим.

«...Ким шайтондан юз ўгириб, Оллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам халқани ушлабди».

(Сура 2:256)

Бу Ул Курси-оятини, 2:253 ояти янада аниқ ва равшан қилади. Биз фақат Ийсонинг аломатларига ва пайғамбарнинг аломатларига ишонганимиздагина, Оллоҳнинг химоясига эришамиз.

- Бундай иймон комиллик фақат Оллоҳнинг Қўли орқали келади. Рух – ул- Лах (Оллоҳнинг Руҳи) ҳеч қандай напоклик тегмаган Ийсо каби бўламиз. Фақат Унинг муқаддаслиги орқали биз Муқаддас бўлган Оллоҳ билан бирлашамиз. Унинг Руҳи бизнинг яраларимизга, меҳрибон қўллари билан тегиб, Оллоҳни куч- қудрати орқали даволайди.
- У энг ишончлидир, чунки У, буюк Ҳақиқат бўлган Ал-Ҳақнинг хузуридан келган.
- Унинг ишончлиги қўзғалмас. Чунки У ҳар қандай синовларда ва инсоний аъзобларда хотиржамлигини йўқотмади.

У шундай деди: «Менга туғилган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам, вафот бўладиган кунимда ҳам тинчлик-омнлик бўлур»
(Сура 19:33)

**. Хеч ким ўрнидан кўзғата олмайдиган
энг ишончли халқа**

Биз ўлим ва ҳаётимизда абадий тинчлик – омонликка эга бўлишимиз мумкин, агар биз Оллоҳ Таолонинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги аломатли мўжизасига ишонсак.

(Сура 3:55) сурада, «Қиёмат Кунининг Эгаси. Оллоҳ Ийсони вафот қилдирган, ва уни ўз хузурига кўтарган. Оллоҳ уни кофирлар ёмонлигидан халос қилиб ва Ийсонинг қурбонлигига ишонганларни кофирлардан юқори қўйган.

Ини Оллоҳ ! Ийсони қурбонлигини биз қабул қилганимиздан, Оллоҳ бизни ўзининг мўжизаси орқали тозалайди ва бизни Ўзининг хузури Жаннатга кўтаради.

Ал Хамду иллаҳ»

Хаттоки Муҳаммад пайғамбар Ал Мустафа ўлимидан олдин, ўзининг жихатига умид боғламасдан, энг буюк Дўстнинг химоясини қабул қилган. Бизлар ҳам бу химояни мана шу иймон орқали қабул қилишимиз мумкин:

- Оллоҳим (*Аллоҳумма*)
- *Астафируллоҳ* (Мени гуноҳларимни кечир) мен ўзимни нажот топишим учун мен Ийсонинг аломатидан бошқа йўлларни рад этаман ва Қиёмат Кунда Худо олдида оқланишим учун Сенга иймон келтираман! Фақат сенинг йўлингни қабул қиламан.
- Мени ўзингни ишончли қўлларинг билан етакла Амин.

Сиз Оллоҳнинг ишончли қўли бўлмиш, Ийсони химоясини қабул қилдингизми?
Оллоҳ бизни тўғри йўлда боришимизни ва У орқали даволасин ва баракаласин !

Ваасаламу Алайкум ва Раҳматулла ва баракатух

Куръони Карим таржима

ва изоҳлар

муаллифи: Алоуддин Мансур

« Чулпон» Тошкент